



# Яқинлашиб келаётган Янги йилингиз муборак бўлсин!

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

adolat24.uz/  
t.me/Gazeta\_Adotlat

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA

№ 52 (1568) 2025-YIL 26-DEKABR, JUMA

Сарҳисоб



## “ЁШ АДОЛАТЧИЛАР” ҚАНОТИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ҚАДАМ Қўяди

“Адолат” СДП “Ёш адолатчилар” қаноти кенгашининг V ҳисобот-сайлов конференцияси ўтказилди. Тадбирда партия раиси Робахон Махмудова, Ёшлар ишлари агентлиги директори Алишер Саъдуллаев,

Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси ҳамда Ёшлар парламенти аъзолари, ҳудудий кенгаш конференцияларидан сайланган делегатлар иштирок этди.



## МИЛЛИЙ ОРЗУ Йўлидаги ТАРИХИЙ ҚАДАМ

Шубҳасиз, 2026 йилги жаҳон чемпиони Ўзбекистон футбол учун янги босқич ҳисобланади. Бу мусобақада иштирок этиш орқали мамлакатимиз халқаро майдонда янада кенгроқ танилади. Футболчилар учун эса дунёнинг энг кучли жамоалари билан рақобат қилиш имконияти пайдо бўлади.

Қутлаймиз!



## ПАРТИЯДОШИМИЗ “ЙИЛ АЁЛИ” гран-приси соҳибаси

“Йил аёли” миллий кўрик-танловнинг республика босқичида Каттақўрғон шаҳридаги “Анваржон бизнес инвест” МЧЖ раҳбари, “Адолат” социал-демократик партияси аъзоси Гулмира Жумаева танловнинг олий ўрни – гран-присиға муносиб топилди ва Президент совғаси – автомобиль билан тақдирланди.

“Йил аёли” танлови жамият ҳаётида фаол иштирок этаётган, ташаббускор ва меҳнатсевар хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ҳамда гендер тенглик гоёларини кенг тарғиб этиш мақсадида ўтказилади. Бу танлов орқали хотин-қизлар ўз салоҳияти ва ижтимоий фаоллигини намоён қилиш имконига эга бўлади.

Гулмира Жумаева бир неча йилдирки, Каттақўрғон шаҳрида фаолият юритаётган “Анваржон бизнес инвест” МЧЖни бошқариб, чиқиндиларни қайта ишлаш орқали даромад олиб келмоқда. Унинг корхонасида бугунги кунда 426 та иш ўрни яратилган бўлиб, шуларнинг 123 нафари хотин-қизлардир.

Танловда ғолиблик Гулмира Жумаеванинг фаоллиги, тадбиркорлик салоҳияти ва ижтимоий масъулиятини намоён этди. Унинг ютуғи нафақат шахсий эътибор, балки хотин-қизлар учун намуна ва рағбат бўлиб хизмат қилади. Бу муваффақият, “Адолат” партияси аъзоси сифатида фидойи аёлнинг жамиятдаги роли ва ижтимоий таъсирини янада кучайтирди. Гулмира Жумаева ўз тимсолида бошқа хотин-қизларимиз учун ибрат бўлиб, уларнинг тадбиркорлик ва ижтимоий фаолликдаги салоҳиятини намоён этишга руҳлантиради.

Биз партиядошимизни ушбу ютуғи билан чин дилдан қутлаймиз, юрт тараққиёти, халқ манфаати йўлидаги фаолиятида янада катта ютуқлар ва муваффақиятлар тилаймиз!

“Адолат” СДП Самарқанд вилоят кенгаши матбуот хизмати

## ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ — ЮКСАПАЁТГАН ЖАМИЯТНИНГ МУҲИМ БЕЛГИСИ

Аҳоли билан юзма-юз мулоқот қилиш орқали мавжуд муаммоларни аниқлаш, ҳал этишга кўмаклашиш, амалга оширилаётган ишларнинг қўйи тизимдаги ижросини ўрғаниш мақсадида “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси, Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Робахон Махмудова Тошкент вилоятида бўлди. Дастлаб Янгийўл туманида ўрганишлар ўтказилиб, комплекс иқтисодий-ижтимоий ривожланиш кўрсаткичлари таҳлил қилинди.




## ПОЛО БЎЙИЧА ИЛК ЧЕМПИОНАТ ЎТКАЗИЛДИ



Юртимизда хотин-қизлар спортини ривожлантириш, уларнинг жисмоний салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган ишлар изчил давом этмоқда.

“Адолат” СДП ташаббуси билан республикада илк бор ўтказилган поло спортини бўйича республика миллий чемпионати ушбу мақсаднинг амалий ифодаси бўлди.



АДОЛАТ  
МУХТОР  
МАҚСАД



# “ЁШ АДОЛАТЧИЛАР” ҚАНОТИ

## ЯНГИ БОСҚИЧГА ҚАДАМ ҚўЯДИ



1 “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси, Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Робохон Махмудова сўзга чиқиб, мамлакатимизда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири этиб белгилангани, натижада ёшлар ислохотларинг бевосита ташаббускори ва ҳаракатлантирувчи кучига айланиб бораётганини таъкидлади.

– Бу борада “Адолат” социал-демократик партияси ҳам ўзининг аниқ позициясига эга, – деди партияимиз етакчиси ўз нутқида. – Сайловолди дастуримизда ёшларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, таълим сифатини ошириш, соғлом рақобат муҳитини яратиш, адолатли меҳнат муносабатларини шакллантириш, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган муҳим ташаббуслар илгари сурилган. Бу вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда “Ёш адолатчилар” қаноти ишончли таянч имиз бўлиб келмоқда.

Конференциянинг расмий очилиш маросимида агентлик директори Алишер Саъдуллаев сўзга чиқди. Ислохотлар самарадорлигига эришиш давлат органлари ва демократик институтларнинг мустақкам ҳамкорлигига кўп жиҳатдан боғлиқ эканини таъкидлади. Шу маънода, “Адолат” СДП ва Ёшлар ишлари агентлиги ўртасида имзоланган меморандум муҳим аҳамиятга эгалигини қайд этди.

Шундан сўнг иқтидорли йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш, барча ёшларга тенг имкониятлар яратиш, бу борадаги давлат сиёсатини самарали рўёбга чиқишига ҳисса қўшиш мазмунидаги ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Тадбирнинг расмий қисми аввалда “Ёш адолатчилар” қаноти республика кенгаши раиси Муҳаммадjon Валиев 2021-2025 йилларда амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот берди.

Қайд этилишича, ўтган даврда 27672 та тадбир ташкил этилган бўлиб, қарийб 620 минг ёшлар қамраб олинган. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг халқимизга йўллаган мурожаатномалари мазмун-моҳиятини кенг оммага

етказиш мақсадида 120 марта, “Конституциявий ислохотларда ёшларнинг ўрни” мавзусида 130 марта, референдум ва сайловолди тарғиботида оид 220 марта учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилган. Бундан ташқари, “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Президент фармони ижросини таъминлаш мақсадида “Ёшлар дафтари”га киритилган йигит-қизлар билан 800 мартаба ўранишлар ташкил этилган.

Партиянинг ҳудудий ташкилотлари ҳамда “Ёш адолатчилар” қаноти ҳамкорлиги ҳам эътиборга молик. Жумладан, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг жамиятдаги ўрнини янада мустақкамлаш, саломатлигини муҳофаза қилиш мавзусларида маҳаллий кенгаш сессияларига 3123 та масала киритилгани ижобий натижа сифатида баҳоланди. “Бир ойда бир иш ўрни” лойиҳаси доирасида 5791 нафар ёшлар иш билан таъминлангани ҳам ушбу ҳамкорликнинг амалии самарасидир.

Партия аъзоларининг 513 308 нафари (39,1%) ёшлар ҳиссасига тўғри келаётгани, улар сафида 24 нафар Зулфия номидаги, 11 нафар “Мард ўғлон” давлат мукофоти совриндорлари, 37 нафар депутатлар борлиги бу кўрсаткичлар сўнгги 5 йилда кескин ошганидан дарак беради.

Ҳисоботда “Ёш адолатчилар” қанотининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари томонидан олиб борилган ишлар ҳам таҳлил қилинди. Бунда Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Хоразм, Жиззах, Наманган ва Андижон вилояти партия ташкилотларининг фаоллиги юқори бўлгани эътиборга этилди.

Шундан сўнг кун тартибидаги “Ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш бўйича узқ мuddатли амалий ҳаракатлар дастури”ни тасдиқлаш тўғрисидаги масала қўрилди.

Ҳаракатлар дастури республика ҳудудларида ёшлар технопаркинги ташкил этиш борасидаги аъзо-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш, кўча китоб павильонлари, “Библиобус”лар орқали олис туманлар аҳолисига кутубхона

хизматларини етказиш, “Адолат” дебат гуруҳларини ташкил қилиш, ёшлар ўртасида турли жиноятларга қарши тарғибот тадбирлари ўтказиш каби аниқ мақсадларни қамраб олгани билан эътиборга молик. Шунингдек, давлат ташкилотлари билан ҳамкорликда ойда бир марта “Ёшлар кўни” амалиётини йўлга қўйиш, “Сиёсий мактаб”, “Ёш адолатчи – волонтер” лойиҳаларини ишга тушириш ҳам дастурдан ўрин олган. Умуман олганда, “Ёш адолатчилар” қаноти учун ишлаб чиқилган ушбу комплекс дастур партиянинг стратегик мақсадлари – демократия, адолат, қонун устуворлиги ва фуқаролик жамиятини барпо этиш тамойилларига хизмат қилади. Унинг самарали ижроси ёшларнинг сиёсий-ижтимоий салоҳиятини тўла рўёбга чиқариб, Ўзбекистоннинг янгилиниш ва ривожланиш жараёнидаги ўрнини янада мустақкамлайди. Делегатларнинг кўпчилиги овози билан дастур тасдиқланди.

Бундан ташқари, “Ёш адолатчилар” қанотининг янги таҳрирдаги низоми қабул қилинди. Янги таҳрирдаги низом 9 бўлим, 48 банддан иборат бўлиб, унда қанотнинг мақсад-вазифалари, ваколат ва мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилмоқда.

Хусусан, янги таҳрирда “Ёш адолатчилар” қанотининг кенгаш йиғилишлари бир йилда камида бир марта ўтказилиши, ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни партия Пленуми муҳокамасига киритиши лозимлиги қайд этилмоқда. Бу ўз навбатида қанот аъзоларига кўшимча масъулият юклайди.

Конференциянинг ташкилий қисмида “Ёш адолатчилар” қаноти республика кенгашининг янги таркибини сайлаш тўғрисида тақлиф киритилди. Делегатлар умумий овозига кўра, Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзоси, депутат Беҳзод Тўхтамурадов раислигидаги янги таркиб сайланди.

“Ёш адолатчилар” қаноти республика кенгашининг 2026-2030 йилларга мўлжалланган мақсад ва вазифалари юзасидан Беҳзод Тўхтамурадов сўзга чиқди.

– Ёшлар қаноти шунчаки партия тузилмаси эмас, жамиятда адолат,

қонун устуворлиги ва ижтимоий фаоллики мустақкамлашга сезиларли таъсир кўрсатадиган кучга айланиши керак, – деди у ўз сўзида. – Биз ҳар бир ёшнинг ислохотларга дахлдорлик ҳиссини уйғотиш, шу орқали фаол фуқаролик позициясини шакллантириш учун масъулмиз. Демак, келгуси фаолиятимизни аниқ мақсадлар асосида ташкил этишимиз лозим.

Президент ташаббуси билан қабул қилинган қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини ҳаёт билан боғлан ҳолда ёшларга тушунтириш асосий вазифалардан бири экани таъкидланди. Яратилаётган имкониятлардан фойдаланиш маданиятини шакллантириш устувор вазифа этиб белгиланди.

Дарҳақиқат, таълим, тадбиркорлик, бандлик, ижтимоий қўллаб-қувватлаш соҳаларидаги имкониятлардан фақат маълум бир гуруҳ эмас, балки энг чека ҳудудлардаги ёшлар ҳам хабардор бўлиши ва фойдаланиши тенглик тамойилларини мустақкамлайди.

Шунингдек, “Ёшлар қаноти” республика кенгаши ёшларни ижтимоий-сиёсий ҳаётга янада фаол жалб этиши зарурлиги, жамиятда қузатувчи эмас, балки фаол иштирокчи бўлиши кераклиги айтилди. Ташаббус кўрсатиш, фикр билдириш, тақлиф бериш – ёш адолатчиларнинг фуқаролик бурчи, дея қайд этилди.

Қолаверса, “Адолат” социал-демократик партиясининг жамиятдаги обрўсини янада юксалтириш, унинг ёшлар орасидаги танилувчанлигини ошириш қанотнинг умумий мақсади сифатида кўрсатилди.

Конференцияда сўзга чиққанлар сўнгги 5 йиллик ҳисобот ва келгуси вазифалар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Эришилган натижалар барча аъзоларнинг умумий меҳнати самараси экани, шу билан бирга, бу охириги марра эмаслиги, балки келгуси ривожланиш учун мустақкам пойдевор сифатида қабул қилиши таъкидланди.

Конференция якунида бир гуруҳ ташаббускор ёшлар “Адолат” кўкрак нишонини билан тақдирланди.

“Адолат” СДП Матбуот хизмати



### Сафдошимиз “ЎЗБЕКISTON BELGISI” КО'KRAK NISHONI

#### кўкрак нишонини билан тақдирланди

“Ёшлар ижод саройи”да интеллектуал салоҳиятли юрдошларимизни қўллаб-қувватлаш, давлат ва жамият тараққиётига қўшаётган муносиб ҳиссасини холис ва адолатли баҳолаш масалаларига бағишланган тантанали маросим ўтказилди. Тадбирда бир гуруҳ юрдошларимиз “Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишонини билан тақдирланди.

Мукофотланганлар орасида Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси аъзоси, Ёшлар комиссияси раиси ўринбосари Беҳзод Тўхтамурадов ҳам бор.

Партиядошимизнинг эътироф этилиши ёш кадрларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган изчил сиёсатнинг амалий натижасидир.

Беҳзод Тўхтамурадовнинг мукофот билан самимий табриклаб, унинг халқ ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳамда мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш йўлидаги фаолиятига янги ютуқ ва муваффақиятлар тилаймиз!

### Мукофот муборак!



Татаристон Республикаси Раисининг тегишли фармонида кўра, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда фаол жамоатчилик фаолияти учун “Адолат” СДП фаоли, Чирчиқ шаҳар кенгаши депутати Равшан Дастиров “Татар АССР ташкил топганининг 100 йиллиги” медали билан мукофотланди.

Бу сафдошимизнинг узқ йиллик меҳнатлари, спорт соҳасида эришган ютуқлари, қардош халқларнинг дўстлик-биродарлик алоқаларини мустақкамлашдаги хизматларига берилган муносиб баҳодир.

Депутатимизни самимий табриклаймиз!

# ПОЛО БЎЙИЧА ИЛК ЧЕМПИОНАТ ЎТҚАЗИЛДИ

1 Поло спорт тури жисмоний тайёргарлик билан бир қаторда стратегик фикрлаш, жамоавий уйғунлик, тезкор қарор қабул қилиш ҳамда юқори маданиятни талаб этади. Унинг тарихи қадимий Шарқ цивилизацияларига бориб тақалади. Дунёдаги нуфузли ва элита спорт турларидан бири сифатида тан олинган.

Айниқса, сўнгги йилларда аёллар полоси глобал микёсда жадал ривожланиб, Аргентина, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Ҳиндистон ва Бирлашган Араб Амирликлари каби давлатларда миллий чемпионатлар ва халқаро мусобақалар тизимининг ажралмас қисмига айланмоқда. Мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан Поло федерацияси тузилган, ушбу йўналиш янги босқичга чиқди. “Адолат” социал-демократик партияси ва федерация ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу миллий чемпионат эса халқаро спорт майдони-

даги нуфузимизни оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Шунингдек, гендер тенглигини таъминлаш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ҳамда спорт соҳасида улар учун янги имкониятлар яратишга қаратилган давлат сиёсати ва жамоат институтлари ўртасидаги самарали ҳамкорликнинг яққол намунаси ҳам ҳисобланади. Мусобақа доирасида мамлакатнинг турли ҳудудлари ва тузилмалари вакиллари-дан таркиб топган жамоалар ўзаро беллашдилар.


Хусусан, “Адолат” СДП поло клуби, “Chilonzor” поло клуби, Миллий гвардия поло клуби, Жамоат хавфсизлиги университети поло клуби ҳамда “Yakkasagoy” поло клуби мусобақанинг мазмунан бой, ташкилий жиҳатдан пухта ва халқаро стандартларга мос тарзда ўтишга муносиб ҳисса қўлди. Айниқса, “Адолат” СДП поло клубининг илк бор иштирок этиши эътиборли воқеа сифатида қайд этилди.

Дебютга қарамасдан, жамоанинг намоён этган интизоми, жамоавий руҳи ва спортга бўлган масъулиятли муносабати муҳлислар ҳамда мутахассислар томонидан ижобий баҳоланди.

Аёллар полоси орқали жисмоний баркамоллик, ўз-ўзига ишонч, жамоавий масъулият ва юқори интизом каби фазилатлар шаклланиб, ёш авлод учун ижобий таъриба яратилмоқда. Шубҳасиз, бундай беллашувлар ушбу спорт турини янада оммалаштириш, халқаро мусобақаларда муносиб иштирок эта оладиган спортчилар захирасини шакллантириш ҳамда мамлакатимизда хотин-қизлар спортини янги босқичга олиб чиқиш йўлида мустақкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Яқуний натижаларга кўра, “Chilonzor” поло клуби биринчи, Жамоат хавфсизлиги университети қизлари иккинчи, “Адолат” СДП ҳамда “Yakkasagoy” жамоалари учинчи ўринни эгаллади.





# ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

## ЮКСАПАЁТГАН ЖАМИЯТНИНГ МУҲИМ БЕЛГИСИ

### 1 МАНЗИЛЛИ ЁНДАШУВ САМАРАСИ

Янгийул — қишлоқ хўжалиги, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланган ҳудуд сифатида Тошкент вилояти туманлари ичида ажралиб туради. Шу маънода, ишсизликдан холи ҳудуд мақомига интилаётгани эътиборга молик. Бу аҳоли фаровонлигини оширишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Туман ҳокими Одилов Атауллоев билан мулоқотда ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар, эҳтиёмдор оилалар билан ишлаш, уларга кўмак кўрсатиш масалалари, ижтимоий соҳа объектининг куз-қиш мавсумига ҳозирлиги юзасидан фикр алмашилди.

Партиямиз етакчиси шундан сўнг ижтимоий чекланган шахсларга манзилли ёрдам кўрсатиш жараёни билан танишиш мақсадида "Инсон" ижтимоий хизматлар марказида бўлди.

Қайд этиш жоизки, мамлакатимизда бундай марказлар фаолияти йўлга қўйилган, аҳолининг эҳтиёмдор қатламлари ёрдам кўрсатиш янги босқичга кўтарилди. Ҳақиқатда муҳтож фуқароларни аниқлаш, уларга керакли ёрдам ташкил этиш ва кўрсатиш билан шуғулланганидан ўзига хос механизм яратилди. Уларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаб, ечим топиш тизими аҳоли турмуш даражасининг ошишига ҳам хизмат қилмоқда.

Биргина Янгийул тумани "Инсон" ижтимоий хизматлар марказида 100 дан ортқ ижтимоий хизматлар кўрсатилаётгани фикримиз тасдиғидир. Қайд этилишича, жорий йил давомида 10 488 нафар юрдошларимизнинг муҳтожликларини ўрганилиб, уларга ёрдамлар кўрсатилган. Бундан ташқари, ижтимоий ҳимояга муҳтож 405 нафар шахсага индивидуал кўмак ишлаб чиқилган.

Ишчи гуруҳ хизмат сафари давомида Камбағалликни қисқартириш ва бандликка қўмаклашиш бўлими фаолияти билан ҳам танишди.

Бандлик масаласи нафақат иқтисодий, балки ижтимоий барқарорликни таъминлаш, аҳоли фаровонлигини оширишнинг муҳим омилдир. Шу боис кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари ташкил этиш давлатимиз сиёсатида устувор вазифалардан бирига айланмоқда.

Янгийул туманида истиқболли лойиҳалар аниқланиб, амалга оширишга қўмаклашилаётгани эътиборга молик. Шунингдек, ишсиз фуқароларни касб-хунарга ўргатиш борасида ҳам ижобий натижалар қайд этилмоқда.

### "МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ" БИРЛАМ БЎЛСА

Навбатдаги манзил "Қирсадақ" маҳалласи бўлди. Дастлаб "Маҳалла еттилиги" фаолияти ўрганилиб, йил давомида эришилган натижалар ва келгуси режалар таҳлил қилинди. Ҳудуд оилавий тадбиркорликни

ривожлантиришда ижобий кўрсаткичларга эришаётгани, шунингдек, хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани эътиборга молик.

Биргина мисол, ҳоким ёрдамчиси томонидан йил бошида маҳалладаги 58 та оила камбағаллик реестрига киритилган. Уларни камбағалликдан чиқариш мақсадида индивидуал режалар ишлаб чиқилиб, 12 та оилга 155 миллион сўмлик имтиёзли кредит, 4 та оилга 40 миллион сўм миқдорда субсидия ажратилган. Белгиланган чора-тадбирлар натижасида 34 та оила камбағалликдан чиқарилган ва бугунги кунда реестрда қолган 24 та оила билан ишлаш давом эттирилмоқда.

Бундан ташқари, маҳаллада жиноятчиликнинг олдини олиш, ижтимоий-маънавий муҳитни сақлаш йўлида профилактик тадбирлар мунтазам ташкил этиб келинаётгани ижобий таъриба сифатида баҳоланди.

"Қирсадақ"ликлар тадбиркорликда ҳам илгор экани қувонарлиқдир. Партия етакчиси яқинда иш бошлаган тикувчилик цехи фаолияти билан танишди. Тадбиркор Ҳафиза Юсуфжанова томонидан ташкил этилган "Эъзозим-бренд" хусусий корхонасида маҳалла аёллари ҳам хунарга ўрганиб, ҳам рўзгорига ҳисса қўшапти. Жорий йилнинг ўзига 18 нафар хотин-қизлар иш билан таъминлангани уларнинг турмуш шaroитларини яхшилашда қўл келмоқда.

Сўхбат давомида битирувчи синф қизларини устоз-шогирд аънанеси асосида тикувчиликка ўргатиш, ёш болалар аёлларни касаначиликка жалб қилиш юзасидан тавсиялар берилди.

Бундан ташқари, маҳалла аҳолисининг томорқа маданияти юксак даражада экани ҳам эътиборга молик. Хонадонларда иссиқхона ташкил қилиб, юқори даромад олаётган оилалар кўпчилигини ташкил этиши фикримиз тасдиғидир. Ишчи гуруҳ шундай хонадонларнинг бирига кириб, қулупнай етиштириш жараёни билан танишди. Оила бошлиғи Айдер Атиевнинг айтишича, 15 сотих майдонда етиштирилаётган резаворлар айна кунларда пишиб етилмоқда.

### ЯНГИЙЎЛНИНГ УМИДЛИ ЁШЛАРИ

Янгийул туманидаги ўрганишлар 21-умумтаълим мактабида давом этди. Таълимда сифат ва самардорликка эришиш, аввало, жамоанинг илмий-педагогик салоҳияти, шунингдек, назарияни амалиёт билан уйғунлаштири олишига ҳам боғлиқ. Ушбу мактабда ўқувчиларнинг турли фан машғулотларидан ташқари, касб-хунарга таърибларига ҳам жалб қилинганини ижобий таъриба сифатида баҳолаш мумкин. Ана шундай ташаббуслар самараси ўлароқ, ўтган ўқув йилида 26 нафар битирувчидан 15 нафари олий таълим муассасаларига, 6 нафари касб-хунарга коллежга ўқишга кирган.

Робохон Махмудова ёшлар билан сўхбатда пухта билим олиб, ўз орзуларига собитқадамлик билан интилган инсон ҳаётда ўз ўрнини топиши ҳақида сўз юритди.

Таълим муассасасидаги иситиш тизими ва куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари ҳам эътиборга марказида бўлди. Синфхоналардаги ҳарорат ва ўқувчилар учун яратилган хавфсиз шaroитлар кўздан кечирилиб, мавжуд имкониятларни янада яхшилаш бўйича таклифлар билдирилди. Зеро, фарзандларимизнинг иссиқ ва ёруғ хоналарда таълим олиши — уларнинг келажига тикилган энг катта сармоядир.

Мактаб жамоаси билан сўхбат давомида таълим сифатини янада ошириш, ўқув жараёнига замонавий методларни жалб қилиш, тўғараклар доирасини кенгайтириш бўйича таклифлар берилди.

### САЛОМАТЛИК ПОСБОНЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Ўрганишлар 69-сонли оилавий поликлиникасида давом этди. Мазкур муассаса 8 та маҳалла фуқаролар йиғинидаги 28 012 нафар аҳолига хизмат кўрсатади. Қамров кўлами жиҳатдан ҳудуддаги энг йирик тиббиёт масканларидан бири ҳисобланади.

Поликлиника фаолияти рақамлаштирилиши натижасида хизмат сифати ошгани эътиборга молик. Шифокор қабулига келган беморлар ҳам ушбу қулайлик сабаб ортқча оворагарчиликлар барҳам топганини эътироф этишди.

Муассасанинг куз-қиш мавсумини бетаалофот ўтказиш бўйича ҳозирликни ижобий баҳолаш мумкин. Замонавий қозонхона ва мўқобил энергия манбалари сабаб тизим барқарор ишлаб турибди.

### ФАРОВОНЛИК ДОИМИЙ ДАРОМАД ОЛИШ БИЛАН УЗВЙ БОҒЛИҚ

Тошкент вилояти бўйлаб ўрганишларнинг навбатдаги манзили Куйи Чирчиқ тумани бўлди. Дастлаб туман ҳокими Акмал Холмуродов бошчилигидаги мутасаддилар билан ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишлар, мавжуд муаммолар таҳлил қилинди.

Куйи Чирчиқнинг ўзига хос таърибаси сифатида мини-лоийҳалар механизми ишлаб чиқилиб, самарали йўлга қўйилгани эътиборга молик. Биргина мисол, "Машраб" маҳалла фуқаролар йиғинида тикувчилик йўналишида ишга туширилган шундай лойиҳалардан бири 5 нафар эҳтиёмдор, ногиронлиги бўлган фуқароларнинг доимий даромад олишига имкон яратган. Бундай мини-лоийҳалар орқали ишсизлик камайиб, камбағал оилалар қисқариб бораётир.

Қайд этилишича, тумanning иқтисодий фаол аҳолиси 48 минг нафардан ошади. Уларнинг қарийб 46 минг нафарини доимий даромадга эга фуқаролар ташкил қилади.

— *Ишсизлик даражаси нисбатан паст* — 5,3 фоиз. *Аммо маррани янада баландроқ олиш лозим*, — деди партия етакчиси фаоллар билан сўхбатда. — *Саноат ва қишлоқ хўжалиги ривожланиб бораётган туман тўлиқ ишсизликдан холи бўлиши керак. Йил давомида эришилган натижалар ҳам бунга имкон борлигини кўрсатмоқда.*

Дарҳақиқат, жорий йилнинг ўтган даврида 1176 нафар камбағал оила вакиллари янги иш ўринларига жойлаштирилган, 935 нафари тадбиркорликка жалб қилинган. Бундан ташқари, 642 нафар банд бўлмаган шахслар касб-хунарга ўқитилиб, бозор талабидига мувофиқ кўникмаларга ўргатилган.

Мулоқот давомида ушбу натижани келгуси йилда янада мустаҳкамлаш, тумани тўлиқ камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

### ҚУЛАЙ ШAROIT, ЮҚОРИ НАТИЖА

Куйи Чирчиқда тадбиркорлик муҳити яхши шаклланигани эътироф этиш жоиз. Айниқса, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларнинг оилавий даражасини янада оширишга қаратилган ўнлаб лойиҳалар муваффақиятли ишлаб турибди.

Ишчи гуруҳ шундай корхоналардан бири — "Dream-textil" МЧЖ фаолияти билан танишди. Корхонада қарийб 100 нафар аёллар меҳнат қилади. Ташқарида қор ёғиб турган бўлса-да, ишлаб чиқариш майдонини иссиқ, корхона ҳисобидан тузилган ва транспорт хизмати йўлга қўйилган. Бу ишчанлик кайфиятига ижобий таъсир этиб, кўрсаткичлар кундан-кунга ошиб боришига замин яратмоқда. Жорий йил давомида корхона томонидан ишлаб чиқарилган 200 минг АҚШ долларлик махсулот хорижга экспорт қилингани шундан дарак беради.

Ёш ходимлар малакали устозларга бириктирилиб, хунарга сирларини пухта ўрганишига имкон берилаётгани ўзига хос таъриба сифатида эътироф этилди.

Ўрганишлар "Ойдинобод" маҳалла фуқаролар йиғинида давом этди. Ҳудуд аҳолиси учун сайёр қабул ташкил қилинди. Ҳар бир муҳтожга юзасидан тегишли масъуллар белгиланиб, ижроси назоратга олинди.

### ПРОБАЦИЯ ҲИСОБИДАГИ ШАХСЛАР БАНДЛИГИ МУҲИМ МАСАЛА

Пробация ҳисобида турган юрдошларимизнинг соғлом ижтимоий турмушга мослашиши учун амалий ёрдам кўрсатиш жамиятининг маънавий бурчидир. "Инсон" ижтимоий хизматлар мар-

кази фаолиятини ўрганиш давомида ушбу мавзуга алоҳида тўхталинди.

Робохон Махмудова ИИБ пробация инспектори Ш.Холмирзаев билан сўхбат ўтказиб, олиб борилаётган профилактик ишлар натижадорлигини таҳлил қилди.

Таъкидлаш жоизки, муқаддам судланган, жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган ва пробация ҳисобига турган шахсларнинг, аввало, бандлигини таъминлаш зарур. Муносиб меҳнат шaroити ва барқарор даромадга эга бўлган инсон ҳаётдан мазмун топади. Қайта жиноят қилмасига қирмайд.

ИИБ инспектори ҳамда "Инсон" ижтимоий хизматлар марказининг ушбу йўналишга масъул ходимларига бу борада зарур тавсия ва кўрсатмалар берилди.

Қайд этилишича, туманда 45 нафар жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган фуқаролар мавжуд бўлиб, барчаси фойдали меҳнатга жалб қилинган. Иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида бир марталик моддий ёрдам ажратилган.

### ШИФОХОНА ҲАР ҚАНДАЙ МАВСУМДА БАРҚАРОР ИШЛАШИ КЕРАК

Куз-қиш мавсумида тиббиёт муассасаларининг барқарор ишлашини таъминлаш муҳим. Куйи Чирчиқ туманидаги ўрганишлар давомида ушбу жиҳатга ҳам эътибор қаратилди.

Қайд этилишича, туманда 15 та даволаш-профилактика муассасалари фаолият кўрсатади. Уларнинг 14 таси табиий газга мослашган локал иситиш қозонлари орқали, 1 таси кўмир ёқилгиси орқали иссиқлик билан таъминланмоқда.

Мавсум олдидан муҳандислик тармоқлари, ички ва ташқи иситиш, иссиқ ва совуқ сув, шунингдек, оқова қувурлари кўздан кечирилиб, носозликлар бартараф этилган. Ушбу мақсад учун маҳаллий бюджет ҳисобидан 540 миллион сўмдан ортқ маблағ йўналтирилган.

*Хулоса сифатида айтиши мумкинки, Тошкент вилоятида аҳоли турмуш даражасини ошириш, камбағалликни қисқартириш ва ижтимоий ҳимояни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тизими ва манзилли равишда амалга оширилмоқда. Ижтимоий хизмат марказлари, "Маҳалла еттилиги" фаолияти, ҳоким ёрдамчилари институтини ҳамда мини-лоийҳалар механизми орқали эҳтиёмдор қатламни қўллаб-қувватлашининг самарали усуллари шаклланимоқда. Тадбиркорликни рағбатлантириш, хотин-қизлар ва ёшларни иш билан таъминлаш масалаларида ижобий натижалар қайд этилаётгани фикримиз тасдиғидир. Шу билан бирга, таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, куз-қиш мавсумига тайёргарлик, рақамлаштириш жараёнлари аҳоли учун қулай ва хавфсиз муҳит яратишга хизмат қилмоқда. Мазкур ўрганишлар "Адолат" СДП дастурий мақсадларининг куйи бўғинларда ижросини баҳолаш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича аниқ ва манзилли таклифлар ишлаб чиқишда муҳим амалий аҳамият касб этади.*

### ҚУЙИ ЧИРЧИҚДА ЯПОНИЯ ТАЪЛИМ ТАЖРИБАСИ ҚЎЛЛанилмоқда

Фарзандларимизда истеъдод ва салоҳият мактабгача ёшдан шаклланиши сир эмас. Сунги йилларда мактабгача таълим тизимига алоҳида эътибор қаратилаётгани, янги, замонавий муассасалар ташкил қилинаётгани қамровнинг кескин ошишига замин яратди.

Куйи Чирчиқнинг шундай тарбия масканларидан бири — 22-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти фаолияти партия фаоллари томонидан ўрганилди.

Муассаса 2019 йилда тўлиқ қайта реконструкция қилинган ва замонавий талаблар асосида жиҳозланган. Бу даргоҳда 180 нафар болажонлар таълим-тарбия олишмоқда. Ташкилот директори Дилором Аманованинг айтишича, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларига алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, инклюзив таълим доирасида қабул қилинган алоҳида ёрдамга муҳтож болалар 12 нафар, улар тўловдан озод этилган. Бундан ташқари, 18 нафар кам таъминланган оила фарзандларига ҳам шундай имтиёз тақдим этилмоқда.

Жорий йилдан ушбу муассаса таянч мактабгача таълим ташкилоти сифатида белгиланган. Шу асосда ҳар ойнинг биринчи ва учинчи ҳафтасида "Методик маҳорат куни" ташкил этиб келинмоқда.

Шунингдек, ташкилотда Япония педагогик таърибаси асосида ишлаб чиқилган "Мустақиллик, ғамхўрлик ва кайзен" дастури амалиётга жорий этилган. Ушбу дастур орқали болаларда ўз-ўзига хизмат кўрсатиш кўникмалари, меҳнатсеварлик ва тартиб-интизом, атрофдагиларга ғамхўрлик, доимий тақомиллашув (кайзен) тамойиллари босқичма-босқич шакллантирилмоқда.

Ушбу ўзига хос методикани оммалаштириш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди. Зеро, билимли инсон, аввало, ички маданиятга, юксак ахлоқий фазилатларга ҳам эга бўлиши керак.

Орифжон ОДИЛОВ,  
"Адолат" СДП Матбуот хизмати ходими

Тиббиёт

# ИНСОН ҲАЁТИ ВА САЛОМАТЛИГИ

## Ҳақиқий қадрият сифатида эътироф этилмоқда

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ўз миқёси, мазмуни ва натижалари билан мутлақо янги босқични бошлаб берди. Бу жараёнлар тизимли инвестициялар, замонавий инфратузилма, илғор тиббий технологиялар ва инсон капиталига қаратилган ёндашув асосида амалга оширилаётгани билан алоҳида аҳамият касб этмоқда. Мутахассис сифатида айтишим мумкинки, бугунги ислохотлар соғлиқни сақлашни фақат даволаш тизими эмас, балки аҳоли фаровонлиги ва миллий тараққиётнинг стратегик омили сифатида шакллантирмоқда.

**Муҳаррам ДАДАХЎЖАЕВА,**  
"Адолат" СДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси

Тахлилларга кўра, охириги йилларда тиббиёт соҳасига жами 230 триллион сўм маблағ йўналтирилгани соҳадаги ислохотларнинг молиявий жиҳатдан мустақкам эканини кўрсатади. Мазкур маблағлар ҳисобидан ҳудудларда 187 та янги поликлиника ва шифохона барпо этилди, 1 минг 244 та тиббиёт муассасаси реконструкция қилиниб, замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланди.

Бу ўзгаришлар натижасида бирламчи тиббий муассасалар қуввати 60 фоизга ошди, тиббий хизмат аҳолига янада яқинлашди. Айниқса, чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳоли учун сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятлари сезиларли даражада кенгайди. Бу ҳолат касалликларни эрта аниқлаш ва асоратларни камайтиришда хал қилувчи аҳамиятга эга.

Энг муҳим ютуқлардан бири, илгари асосан пойтахтда амалга оширилган

400 дан ортиқ юқори технологияли диагностика ва даволаш усулларининг ҳудудларда жорий этилганидир. Бугун юзлаб мураккаб жарроҳлик амалиётлари вилоят марказларида, кам инвазив операциялар эса туман даражасида муваффақиятли бажарилмоқда. Бу эса аҳолининг вақти ва иқтисодий харажатларини тежаб, ўз ҳудудида яқинлари даврасида даволаниш имконини берапти.

Айниқса, 45 та туманда бўйрак кўчириб ўтказиш амалиётининг йўлга қўйилиши тиббиёт тарихидаги муҳим бурилиш нуқтаси сифатида баҳоланмоқда. Бу нафақат минглаб беморлар ҳаётини сақлаб қолиш, балки тиббий хизматлар географиясидаги тенгсизликни бартараф этишга хизмат қилмоқда.

Тиббиётдаги бу ўзгаришларни бугун миллионлаб фуқаролар ўз ҳаётида бевосита ҳис этмоқда. Халқаро ташкилотлар ва экспертлар томонидан

Ўзбекистондаги соғлиқни сақлаш ислохотларининг эътироф этилаётгани ҳам амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг тўғри йўналишда эканини тасдиқлайди. Энг муҳими, тиббий хизмат сифатининг ошиши, даволаш муддатларининг қисқариши, ортиқча харажатларнинг камайиши аҳолида давлат тиббиёт тизимига бўлган ишончни мустақкамламоқда.

Соғлиқни сақлаш тизими самарадорлигининг асосий омили малакали кадрлар экани барчага аён. Шу нуқтаи назардан, тиббиёт таълимида ҳам туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Учта олий таълим муассасаси негизда Тошкент давлат тиббиёт университети ташкил этилди, Урганч давлат тиббиёт институти фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, 8 та тиббиёт олий таълим муассасаси халқаро аккредитациядан ўтди.

Тошкент давлат тиббиёт университетидан инфратузилманинг яхшилаши натижасида талабалар сони 29 минг 864 нафарга етди. Таълим жараёнлари халқаро стандартлар асосида модернизация қилиниб, рақамлаштириш фаол жорий этилмоқда. Симуляцион марказлар, сунъий интеллектга асосланган ўқув лабораториялари ёш мутахассисларнинг амалий кўникмаларини мустақкамлашда муҳим роль ўйнамоқда.

Сўнги йилларда соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар алоҳида эътиборга лойиқ. Мамлакат бўйлаб тиббиёт муассасалари замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланди, ягона рақамли инфратузилма шакллантирилди.

2024–2025 йилларда 3 мингдан ортиқ тиббиёт муассасаси локал тар-

моққа уланди, минглаб компьютерлар билан техник база янгиланди. DMED ягона электрон ахборот тизими орқали 36 миллион нафардан ортиқ фуқароларнинг тиббий маълумотлари ягона базага жамланди.

Тез тиббий ёрдам хизматида электрон бошқарув жорий этилиб, қақриқларга етиб бориш вақти 25–30 дақиқадан 10–15 дақиқачага қисқартирилди. Яқин истиқболда "Online-шифокор" хизмати жорий этилиши аҳолига масофадан туриб тиббий маслаҳат олиш имконини беради.

Шунингдек, "Электрон рецепт" тизими жорий этилиши натижасида ортиқча дори ёзиш ҳолатлари 40 фоизга камайди, дори воситалари айланмаси шаффофлашди. Барча тиббий маълумотлар биометрик ҳимоя остида сақланиб, шахсий маълумотлар хавфсизлиги таъминланмоқда.

Умуман олганда, Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ўзининг қамрови ва самарадорлиги билан минтақадаги илғор тажрибалардан бирига айланмоқда. Инфратузилмани янгилаш, юқори технологияли тиббий хизматларни ҳудудларга олиб чиқиш, рақамлаштириш ва кадрлар тайёрлашга қаратилган чора-тадбирлар инсон ҳаёти ва саломатлиги ҳақиқий қадрият сифатида эътироф этилаётганини кўрсатади.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ушбу ислохотлар ҳар бир тиббиёт ходими фаолиятига, ҳар бир маҳалла ва ҳар бир оила ҳаётига етиб боргандагина ўз самарасини беради. Бу эса биз ўрта бугун раҳбарларидан алоҳида масъулият ва ёндорувни талаб этади.



## ПАРТИЯДОШИМИЗ ТАҚДИРЛАНДИ

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Аманбай Оримбаев оммавий ахборот воситалари ходимлари, ёзувчи, шoir ва адабиётшунос тадқиқотчилар, ижтимоий тармоқ фаоллари билан учрашув ўтказди.

Мулоқотда Президентимиз ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикаси учун алоҳида эътибор қаратилётгани, натижада аҳоли турмуш даражаси юксалиб, ҳудуд янги ва замонавий қиёфа касб этиб бораётгани таъкидланди. Бу қорақалпоқ ижодкор-зиёлилари томонидан яратилаётган асарларга ҳам кўчиб, замон қаҳрамонлари қиёфаси акс этган, янги давр руҳи ёритилган шеърый, насрий, публицистик асарлар кўпайиб бораётгани эътироф этилди.

Тадбирда ижтимоий-маънавий ҳаётда фаол иштирок этаётган бир гуруҳ жамоат фаоллари рағбатлантирилди. Қувонарлиси, тақдирланганлар орасида партияимиз фаоли, "Адолат" СДП Қорақалпоғистон Кенгаши раиси ўринбосари Рауаж Отарбаев ҳам бор. У Жўқорғи Кенгеснинг тегишли қарорига кўра, "Ватан фидойиси" кўкрак нишони билан мукофотланди.

"Адолат" СДП партиядошимизни самарали меҳнат эътирофи билан самимий муборакбод этади.



## ЭКОСТИКЕР ТИЗИМИДА 2026 ЙИЛДАН ЖАРИМАЛАР ҚЎЛЛАНИЛМАЙДИ

✓ Сўнги кунларда ижтимоий тармоқлар ва айрим ОАВларда 2026 йилдан бошлаб, "экологик ҳудуд"га кирувчи қизил ва сариқ тоифадаги автомобиллар жаримага тортилиши ҳақида нотўғри талқиндаги хабарлар тарқалди. Аслида эса вазият бутунлай бошқача.

✓ Жарималар қачон қўлланилади?

✓ Расмий маълумотларга кўра, "Экологик транспорт" тизими доирасидаги жарималар икки йилдан сўнг, яъни 2028 йилдан бошлаб жорий этилади.

2026 йил — бу фақат тизимни йўлга қўйиш, ҳайдовчиларни хабардор қилиш ва экологик маданиятни шакллантириш давридир.

✓ Бу тизим нима учун керак?

Автомобиллар ва юк машиналаридан чиқаётган заҳарли газлар иқлим ўзгариши, ҳаво ҳароратининг кўтарилиши ва кислотали ёмғирларга сабаб бўлмоқда. Тизимнинг бош мақсади жазолаш эмас, балки аҳоли орасида "Экологик транспорт" тушунчасини кенг тарғиб қилиш ва шаҳарларимиз ҳавосининг сифатини яхшилашдир.

✓ Ҳайдовчилар учун қандай қулайликлар бор?

Тизим ҳайдовчиларни қийин аҳволга солиш эмас, балки уларга кўмак бериш тамойили асосида ишлайди:

СТИКЕР РАНГИНИ ЎЗГАРТИРИШ ҲУҚУҚИ: агар автомобилнинг дастлаб сариқ ёки қизил стикер олган бўлса, уни техник созлаш орқали рангини "яшил"га ўзгартириш имконияти мавжуд.

ДИАГНОСТИКА МАРКАЗЛАРИ: республикамизнинг барча ҳудудларида замонавий диагностика марказлари фаолияти йўлга қўйилган. Ҳайдовчилар ўз машиналарини техник кўриқдан ўтказиб, стикер рангини яхшилашлари мумкин.

ЭЛЕКТРОН ОГОҲЛАНТИРИШ ТИЗИМИ: йўл ҳаракати хавфсизлигининг ягона электрон тизими ва камералар орқали ҳайдовчилар қайси ҳудудга кириш мумкин ёки мумкин эмаслиги ҳақида олдиндан хабардор қилиб борилади.

✓ 2026 йилда ҳеч ким жарима тўламайди! Бу вақт оралигида ҳар бир ҳайдовчи ўз автомобилнинг техник ҳолатини яхшилаш имкониятига эга бўлади.

Автомобилларни ўз вақтида техник кўриқдан ўтказиш ва сифатли ёқилгидан фойдаланиш нафақат табиатни асрайди, балки ҳаракат хавфсизлигини ҳам таъминлайди. Экологик тоза ва соз транспорт воситаси келажак авлод олдиди масъулиятимиздир.

Қутлов



# Agrobank

*Barcha yurtdoshlarimizni kirib  
kelayotgan — yangi*

# 2026

*yil bilan muborakbod etadi!*

*Sizlarga mustahkam sog'liq, baxt,  
oilaviy xotirjamlik tilaymiz.*

Устоз адибнинг 105 йиллиги

# АСҚАД МУХТОР МАҚТАБИ

Иккинчи  
мақола

**Камол МАТЁҚУБОВ,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Газета Ёзувчилар уюшмаси ва Маданият вазирлигининг наشري бўлгани учун бу икки ташилот фаолиятига оид хабарлар, янгиликлар, йиғилишлар ҳисоботлари саҳифаларда бериб бориларди. Бир кун Асқад ака билан Ёзувчилар уюшмасига бордик. Уюшма партия ташилотининг "Қайта қуриш даврида ижодкорлар ижодий фаолияти"га доир йиғилиши белгиланган экан. Шунинг ҳисоботини ёзишим керак экан. Асқад аканинг кайфияти яхши эди. (Уша кун адиб тугилган кун эди.) Йиғилиш бошлангач, бирданги ёзувчи Иброҳим Раҳим сўз олди. У гапни дабурустан газетанинг "Шум боланинг чойхонаси" саҳифасида эълон қилинган кичик юмористик лавҳадан бошлади.

— Шу лавҳада қайта қуришни тушунмайдиган бир йиғит ҳолати акс этган. Бу йиғит қайта қуришни болалар ўйинига ўхшатаган. Шу орқали бош муҳаррир мамлакатимизда амалга оширилаётган катта ишларни улуғлаш ўрнига танқид қилган, — деди у сўзида. — Боз устига бу лавҳавур йиғитнинг номи Турсунбой, фамилияси Раҳимов. Бу менинг исми ва фамилиям. Асқад Мухтор бундан билатуриб, мени ёмонотлик қилишга уринган. Фақат бугунга эмас, шу саҳифада "Азонов" деган фамилия остида ҳам жамиятимиздаги ўзарришлар кули остига олинди. Ана шу "Азонов" фамилияси остида Ёзувчилар уюшманинг раиси Азимов шахси назарда тутилган. Бундай камчиликлар газетанинг бошқа саҳифаларида ҳам кўп. Шунинг учун бош муҳаррирга жиддий чора кўриш керак...

Йиғилишда асосий масала четда қолиб, сўз ҳафталикнинг танқид ва таҳлилига қаратилди. Ижодкорлардан баъзилари газета саҳифаларида романлар, қиссалар, драматик асарлар, дostonлардан парчалар берилмаётганини танқид қилди, айримлари мақолалари чиқмаётганидан ёзғирди. Бошқа бирлари эса ҳафталик ижодкорларнинг юбилейларини яхши ёритмаётганини, деб айб толди. Адабиётшунослар эса мақолаларда танқид қўлайиб кетаётганлигига эътироз билдиришди. Хуллас, ҳафталикнинг, хусусан, бош муҳаррирнинг фаолиятиндан розилардан кўра, норозилар кўпчилигини ташкил қилди.

— Ҳафталик адабиётимизнинг, санъатимизнинг юзи ва кўзи бўлмоқда. Холисонлило айтаман, Асқад уни яхши шакллантирди. Бу ерда билдирилган норозиликлар эса ҳафталикнинг жиддий талабларига жавоб беролмаётган асарлар муаллифларининг ҳулосалари, — деди сўзга чиққан Саид Аҳмад. — Энди "Шум боланинг чойхонаси"даги материалларга келсак, уларни мен тайёрламанман. Бош муҳаррир сифатида Асқад уларнинг бирортасига ҳам қалам теккизмаган. Демак, бу ердаги бирор материал бош муҳаррирга алоқадор эмас. Юмористик лавҳада қаҳрамоннинг исми ва фамилияси Иброҳим Раҳимнинг исм-фамилиясига ўхшаб қолишини ўйлаб ҳам кўрмаганман. Саҳифадаги Азоновнинг Азимовга мутлақо алоқаси йўқ. Бу фамилияни "Литературная газета"нинг охириги саҳифасидаги Сазоновга ўхшаш қилиб олганман, холос. Умуман, "ижоддошларимиз" бу газетада чиққан бирор асарда "эшакнинг думи калта эди" деб ёзилган бўлса, "бош муҳаррир менинг эшакимни танқид қилибди", деб аюхонно солишининг кераги йўқ.

Йиғилиш узоқ давом эди. "Қайта қуриш даврида ижодкорлар ижодий фаолияти"га доир деб номланган партия йиғилиши Асқад Мухторнинг газетадаги фаолиятини кўриб чиқиш ҳақидаги қарор билан якунланди. Йиғилиш охирида Асқад Мухторга ҳам сўз берилди. У қисқagina гапирди.

— Бу йиғилишда ўтириб, "Ёзувчи ёлгонни тўқийди ҳақиқатни ёзади" деган гапнинг ҳақиқат эканлигини чуқурроқ аналаб етдим. Яна "Ёлгон ўзи унча хавфли эмас, унинг

ҳақиқатга ўхшаб кетиши хавфли" эканлигига ишонч ҳосил қилдим, — деди...

Бир гал шоир Тўлан Низом Андижондан мақола жўнатиб, Асқад аканинг ўзи кўриб чиқишини илтимос қилди. Мақола хийла катта бўлиб, салкам 20 бетлик эди. Илтимосга кўра Асқад ака мақолани ўзи таҳрир қилиб, 7-бетга келтириб, нашрга тайёрлайди. Мақола чиқиш арафасида Асқад Мухтор Москвага "Адабиёт" газеталари раҳбарларининг йиғилиши кетади. Кетишидан олдин Тўлан Низомнинг мақоласини ўринбосари қўлига тутқазиб, вазиятни тушунтириб ва 7-бетлик таҳрирдан чиққан нусхасини газетада бериш кераклигини айтиди. Аммо Бош муҳаррир ўринбосари Асқад аканинг мақола ҳақидаги фикрини тушунмаганини ёки бошқа сабабми, шундай бўлдики, ўша мақоланинг таҳрир қилинган ва таҳрир қилинган нусхалари газета саҳифасида ёнма-ён нашр этилди. Асқад Мухтор Москва сафаридан қайтган, бундай келишмаган аҳволни кўриб, ниҳоятда ранжиди. Лекин бошқаларга билдирмасликка ҳаракат қилди. Бироқ вақт ўтиб, қалбда тўпланган аламлар, дардлар ҳақида тўхталиб бундай деб эдди: "Боласини ўйқотган она юрае ёрилиб ўлиши мумкин. Номуси, иззат-нафиси топталган кизининг бошидан керосин қуйиб, ўзига ўт қўйганини кўп эшитганмиз. Таҳқирланган, тухматга учраган одам аламдан ўзини осиб ўлдиради... Энди айтинг, тан яраси ёмонми ё дил дардими?"

Атоқли адиб Одил Ёқубов "Кўхна дунё" асарини ёзиб тугаллаганидан кейин романдан бир узвини газетага олиб келди. Кейин билсак, бу иш Асқад аканинг ташаббуси билан бўлган экан. Асардан парчани кўздан кечирдик. Унда таҳрир талаб ўринлар деярли йўқ эди. Фақат уч-тўрт жойда асардаги образлардан бирининг лақаби ал-Соқий деб ёзилган эди. Ана шу ал-Соқийни араб тили қондасига мувофиқ ас-Соқийга айлантириб чиқдик. Газета саҳифаланаётган кун Одил акани романдан парчани ўқиб беришга чақирдик. Адиб парчани ўқиш жараёнида ас-Соқийга келгач, бирдан тўхтади. "Бунки ким ўзгартирди", деди жаҳл билан. Шу ҳолатни тушунтиришга ҳаракат қилдик. У киши тушунишни истамади. "Ҳамманг билимдон бўлиб кетгансизлар", дея асабийлик билан саҳифани кўтариб бош муҳаррирнинг хонасига кириб кетди. У бош муҳаррирнинг хонасига қандай асабийлик билан кирган бўлса, шундай асабийлик билан чиқди. Чика-ётиб, "Асардан парчани газетангизда чиқармайман, уни саҳифадан олиб ташланглар", деди жаҳл билан.

Одил Ёқубов кетганидан кейин маслаҳат олиш ниятида бош муҳаррир хонасига мўраладик. Асқад ака ёзувдан бош кўтариб, "Жаҳлдор" кетдимми?" деди. Кейин бироз ўйлаб турдида "Асар ёзувчида униб чиқади: фарзанддай унда тугилади, улғаяди, камол топади. У фарзандини авайлайди, ҳимоя қилади. Асар ёзувчининг тақдир, керак бўлганда ёзувчи унга қурбон бўлишга ҳам тайёр. Асар унинг гайритабиий садоқати, ёзмадан туюлмагани, руҳиятига, фалсафасига, мушоҳадага мойиллигига, шахси, феълли, услуби, қарашлари, дарди, қийналишлари меваси ҳисобланади. Шунинг учун унга салгина тевиниш ҳам ёзувчининг, ижодкорнинг жунбушга келтиради. Одилнинг жаҳли чиққанининг сабаби шунда. Лекин, начора, тилимининг қонун-қоидалари Одилнинг жаҳлидан устун туради. Шу сабабли асардан парчани газетада тузатишлар билан эълон қиламиз", деди. Орадан ўн беш кунлар ўтиб, Одил Ёқубов "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасига бош муҳаррир қилиб тайинланди. Кейин билсак, Одил акани Асқад аканинг ўзи ўрнига юқори идораларда бош муҳаррирликка тақлиф қилган экан.

Ўтган асрнинг 80-йилларида адабиётимизда "интеллектуал" деган сўз кўп ишлатилди. Натижада интеллектуал адабиёт, интеллектуал асарлар, интеллектуал қаҳрамон-

лар, интеллектуал адиблар, интеллектуал шоирлар, интеллектуал шахслар пайдо бўлди. Интеллект сўзи, гарчанд, ақл-идрок, зеҳн, фаросат маъноларини англатса ҳам, адабиётимизда пайдо бўлган "интеллектуал" сўзи юқоридаги маънолардан ҳам кўра юксакроқ, кенгроқ мазмунга эга бўлиб, ниҳоятда идрокли одам, юксак салоҳиятли зиёли инсон каби теранроқ маънони билдиради. Асқад Мухтор шу маънода ҳақли равишда адабиётимизнинг интеллектуал вакили эди. Бу унинг асарларида, ижтимоий фаолиятида яққол намоён бўлган. Шу ўринда унинг адабиёт, ижод, ҳаёт ҳақидаги иккита хулосасини келтирсак, фикримиз янада ойдинлашади.

У "Тундалиқлари"да "Сизиф афсонасини биласиз, адабий харсанг"ни ҳам биласиз. Менинг авлодим ўша харсангни 70 йил давомида "чўққи"да юмалати. Ичимда нола бор. Гоҳо шу нолани эшитиб, Максим Горькийнинг гапи эсимга тушади. Ундан "Аҳволингиз қалай? деб сўраганида "Максимально горько!" деб жавоб берган экан", деб ёзаркан, адабиётимиз учун улғувор ишларни қилган адибнинг ўз фаолиятининг қониқмаслиги, абадий харсангни юмалатишга сарфланган умрига ачиниш ҳиссини туясиз. Ваҳоланки, "харсанг юмалатиш"да қатнашганларнинг ҳаммаси ҳам шундай хулосага келмаганлар.

Иккинчи хулоса. Маълумки, мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин истиклолга яратилган адабиёт намуналарини рад қилишга уринишлар юзага келди. Яхшию ёмон асарларни қоралашлар пайдо бўлди. Ана шундай пайтда Асқад Мухтор "Бизда ҳозир бор-будимизни рад қилиш авж олган. Эски мафқуранинг таъсири бор деб, ҳамма нарсани инкор қилишнинг ўзи ҳам мафқура эмасми? Биз бадииятнинг барча намуналарини ардоқлашимиз керак", дея бонг уриб чиқди.

Ҳаётда, ижод оламида ҳақиқатни ёқлаб тавба қилиш ва бонг уриш осон иш эмас. Бу ўринда Асқад Мухтор ўзини яна бир бор интеллектуал адиб ва интеллектуал шахс сифатида намоён этиб кетди.

Асқад ака билан сўнги учрашувимиз вафотидан сал олдин бўлди. Республика телерадиокомпаниясида эфирга берилмайдиган "Ўзбекистон адиблари" кўрсатувининг навбатдаги сонидида Асқад Мухтор ҳаёти, ижодий ва ижтимоий фаолиятини ёритишни режалаштирдик. Лекин бунга Асқад акани кўндириш оғир кечди. Сабаби, адиб хасталик туйғайли қийналиб сўзлайдиган, ҳассасга таяниб аста-секин юрадиган бўлиб қолган эди. Ёзувчи билан мулоқот хат орқали бўлсада ёзуви ҳам ўзига яраша эди. Кўрсатув учун адибнинг юриш-туриш, китоб ўқиш, ёзиш ҳолатларини ёзиб оладиган бўлдик. Мўлжалланган кунни уйига бордик. Аммо Роза опа "Асқадни чарчатиб қўясизлар", деб уйига қўймади. Асқад аканинг ўзи чиқиб, биз телевизорчиларни уйига бошлаб кирди.

Кўрсатув учун мўлжалланган тасвирларни олдик. Кетишимиз олдинда Асқад ака олдимизга иккита қозонни қўйди. Қозонлардан бирида оғиздан чиқаётган тилни кесаётган қайчи ҳолати акс этганди. "Бу менинг забонсизликка тушган хозирги ҳолатим. Буниси эса кексаликни зиммамга олган шерьини. Кўрсатувда шу иккаласидан фойдалансангизлар", деб эдди. Бу икки илтимосдан бирини бажардик. Қайчиланаётган тилни телевидениенинг "хушёр" ҳакамлари олдириб ташлатишди.

Шерьини эса салкам 50 минутлик кўрсатувнинг якунига қўйдик. Унда шундай мисралар бор эди:

**Энди орзулардан хотиралар кўп,  
Энди ўтмишга мен учун ҳадис.  
Мен учун тобора оғирдир сукут,  
Саволлар тобора шайқатсиз,  
Ҳа, ошни ошадик, ёшни яшадик,  
Қошгача қаҳратон қирови инди...**

Орадан кўп ўтмай Асқад ака ҳаётдан кўз юмди. У ўзи ёзганидек, орзулар оламидан кетиб, мангу ўчмас хотирага айланди.

Суратда: "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси бош муҳаррири Асқад Мухтор муаллиф билан. 1983 йил.



# ЎТМИШДАН КЕЛАЖАККА ОЛИБ БОРУВЧИ УЛУҒВОР ҒОЯ

Янги Ўзбекистоннинг энг муҳим мафқуравий пойдеворларидан бири – Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган Учинчи Ренессанс ғояси ҳисобланади. Бу ғоя нафақат мамлакатимиз тараққиёти, балки кенг маънода инсоният келажаги учун ҳам улкан аҳамият касб этиб, жаҳон жамоатчилиги томонидан эътироф этилмоқда.

**Баҳром АБДУҲАЛИМОВ,**  
Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти,  
халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати

Покистонлик машҳур адиб ва публицист Мухаммад Аббос Хоннинг урду тилида нашр этилган "Ўзбекистон: Учинчи Ренессанс – тараққиёт концепти" номли асари бу борада алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу китоб Учинчи Ренессанс ғоясининг халқаро илмий-фалсафий талқини сифатида эътиборни тортади. Асарда жаҳон миқёсида давлат ва сиёсат арбоби сифатида тан олинаётган Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиб ташаббуси буюк ўзгаришлар лойиҳаси, уфқлар измига бўйсунмас, абадий қимматга эга ғоя сифатида ёритилади.

Китобга Покистон Ислom Республикаси Бош вазири Мухаммад Шаҳбоз Шариф жанобларининг кириш сўз ёзгани ҳам мазкур ғоянинг халқаро нуфузи ва эътирофини намоён этади. "Мазкур китоб кадрдон дўстим, Жаноби Олийлари Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиб ташаббусини, унинг ғоявий концепциясини янада чуқурроқ англашга ёрдам беради. Ўзбек халқининг буюк аجدодлари қолдирган маънавий меросга таянган ҳолда, бу улғувор ғоя бутун башариятнинг фаровон келажагига хизмат қилиши шубҳасиздир", дейилади сўзбошисда.

Ушбу фикрлар асарда илгари сурилган ғоянинг мазмуни билан бир қаторда, Покистон давлатининг Ўзбекистонга бўлган юксак эҳтироми, шунингдек, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари изчил равишда мустаҳкамланиб бораётганидан ҳам далolat беради.

## АБАДИЙ ҒОЯНИНГ ФАЛСАФИЙ МОҲИЯТИ

Мухаммад Аббос Хон асарнинг иккинчи бобида Учинчи Ренессанс ғоясини қуйдагича таърифлайди: "Замон ва макон билан чекланмайдиган гоғлар жўшқин дарё мисоли яшайди: унинг манбаи – ўтмишда, оқими – ҳозирги замонда, интиҳоси эса келажак уммонига бориб қўйилади".

Дарҳақиқат, Учинчи Ренессанс ғояси айнан шундай абадий қудратга эга. У ўтмиш меросини инкор этмайди, аксинча, уни замонавий тараққиёт талаблари ва келажак максadлари билан уйғунлаштиради. Асарда давлат раҳбарининг инсонпарварликка асосланган янги қарашлари кенг ёритилиб, ушбу гоғлар тарих йўналишини ўзгартириш ва келажақни шакллантиришга қодир экани алоҳида таъкидланади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг "Хайриги яхши ниятдан бошланади" деган ибораси муаллиф томонидан китобнинг фалсафий асоси сифатида келтирилади. Бу фикр чинакам ўзгаришлар инсоннинг згулиги ва адолатга хизмат қилиш истагидан бошланишини англатади.

Муаллиф назарича, Учинчи Ренессанс ғояси инсон тафаккурининг бемисл уммонига қуйиладиган қудратли дарёга ўхшайди. Асар луғатига "Янги Ўзбекистон" тушунчасининг киритилиши ҳам унинг илмий-фалсафий аҳамиятини оширган.

## ИНСОНПАРВАРЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯ УЙҒУНЛИГИ

Муаллифга кўра, Учинчи Ренессанс ғоясининг асосий моҳияти инсонпарварлик ва замонавий технологиялар уйғунлигидан иборат. Илгариги ренессанслар, асосан, илм-фан ва билим тараққиёти билан белгиланган бўлса, янги Уйғонинг даври маънавият, ахлоқ ва илмий-техник тараққиётнинг биргаликда ривожланишини таъкид этади.

Бу ғоя инсониятни миллий ёпиқликдан умумбашарий тафаккурга олиб чиқишга, технологияларга ахлоқий чегаралар белгилашга, илм-фанини згулиги йўлида сафарбар этишга даъват қилади. Демак, масала фақат тараққиёт суръатларида эмас, балки унинг инсон манфаатларига қандай мақсадда хизмат қилаётганидир.

**ЎЗБЕКИСТОН – ИЛМ-ФАН БЕШИГИ**  
Асарда Ўзбекистон замнининг жаҳон цивилизацияси тарихида тугган ўрнига алоҳида эътибор қаратилган. IX-XI асрларда айнан шу худуддан Мухаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Кошғарий каби буюк алломалар етишиб чиққан. Уларнинг илмий мероси минг йиллар давомида инсоният тараққиғига хизмат қилиб келмоқда.

Муаллиф таъкидлашчи, Мухаммад Хоразмий асос солган алгебра ва алгоритм тушунчалари бугунги рақамли дунё, сунъий интеллект ва замонавий технологияларнинг мустаҳкам илмий пойдеворини ташкил этади.

Мухаммад Хоразмий – фақат ўрта асрлар олимидан эмас, балки замонавий рақамли дунёнинг асосчиларидан бири ҳисобланади. "Алгебра" атамаси унинг "ал-жабр" сўзидан келиб чиққан бўлса, "алгоритм" тушунчаси Хоразмийнинг лотинча шакли асосида юзага келган. У илк бор ўнлик санок тизимини илмий муомалага киритган.

Демак, компьютерлар, дастурлаш, сунъий интеллект, навигация каби соҳалар муайян маънода Мухаммад Хоразмий томонидан қўйилган илмий пойдеворга таянади. Бугун биз қидирув тизимларидан фойдаланганда, смартфон орқали ахборот олинганда ёки "ақли" технологиялар билан мулоқот қилганда, аслан, Хоразмий минг йиллар муқаддам бошлаган илмий мулоқотни давом эттираётган бўлаемиз.

## ЎТМИШ ҚАДРИЯТЛАРИ АСОСИДА ҚУРИЛАЁТГАН КЕЛАЖАК

Китобда Қуръони Каримнинг илм-фан тараққиғида тугган ўрнига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. У фақат диний манба сифатида эмас, балки тафаккурни кенгайтирган, инсонни изланиш ва кашфиётга ундаган маънавий дастак сифатида талқин этилади.

Муаллиф фикрича, миллатнинг келажақ сари танлаган йўли қадриятлар, билим кучи, маданий бойлик ва инсонпарварлик тамойилларига таянади. Бу қарашлар нафақат давлат раҳбарининг сиёсий позициясини, балки мамлакат келажаги учун юксак тарихий масъулиятини ҳам ифода қилади.

Президент мактаблари эса келажақ ихтирохоналари сифатида баҳоланади. Ўзбекистон янги авлодни нафақат юқори малакали мутахассис, балки мустақил фикрлайдиган, ҳалол ва пок инсонлар этиб тарбиялашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Миллат етакчиси орзу қилаётган Ренессанснинг давом эттириши ва уни янада чуқурлаштириш эса, аввало, ёшлар зиммасига катта масъулият юклайди.

Ёшларнинг интилиши, аждодларнинг билими ва меҳнатни энг олий қадрият деб билгани, адолатли ва маърифатли жамият ҳақидаги орзуларини рўёбга чиқаришга чорлайди. Янги Ренессанс ғояси кучли шахслар танлови-дир. Бу нафақат муайян тарихий давр, балки қалб амри ҳамдир.

Учинчи Ренессанс ғояси оламни фатҳ қилиши эмас, уни англашни, ҳукмронликни эмас, ҳамкорликни, билимни шунчаки қўлайтириши эмас, уни инсоният манфаатига хизмат қилдиришни англатади.

Мухаммад Аббос Хон асарига Учинчи Ренессанс ғояси Ўзбекистоннинг миллий тараққиёт концепциясидан ҳам кенгроқ маъно касб этиши, янги глобал уйғунлик ва инсонпарвар дунё моделига асос бўлиши алоҳида таъкидланади. "Ўзбекистон: Учинчи Ренессанс – тараққиёт концепти" номли ушбу асар нафақат ўзаро англашувни мустаҳкамлайди, балки мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни чуқур англашга ҳам хизмат қилади.

Бугун Ўзбекистон янги тарихий босқич остонасида турибди. Учинчи Ренессанс ғояси халқимизни, айникса ёш авлодни янги тадқиқотлар, янги кашфиётлар ва янги маънавий уйғонинг сари ундаб келмоқда. Чунки бу ғоянинг манбаи – ўтмишда, эҳтиёжи – бугун, буюк мақсади эса келажақдир.

Йилнинг унутилмас воқеалари



# МИЛЛИЙ ОРЗУ ЙЎЛИДАГИ ТАРИХИЙ ҚАДАМ

Ўзбекистон миллий футбол терма жамоасининг 2026 йилда АҚШ, Канада ва Мексикада бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатига йўланмани қўлга киритгани ижтимоий-маънавий ҳаётимизда муҳим воқеа сифатида қабул қилинмоқда. Бу натижа навбатдаги муваффақиятга эришиш эмас, балки узоқ йиллар халқимиз қалбида яшаб келган орзунинг рўёбга чиқиши бўлди.

Футбол халқимиз учун болалик хотиралари, маҳалла майдонларида кечган йиллар ёди, ҳиссиётлар билан боғлиқ спорт. Аксарият маҳаллалар, қишлоқлар, таълим муассасаларида йирик футбол майдонларининг мавжудлиги ҳам ушбу спорт тури ёшларимиз учун ҳамisha етакчи ўринда бўлганидан дарак беради. Шу боис миллий терма жамоанинг ҳар бир ўйини, айниқса, ҳал қилувчи беллашувлардаги иштироки бутун халқимиз диққат марказида бўлади.

Ўртимизда футбол мухлисларининг сони миллионлардан ошиши ҳам бир ўйинда стадионларимиз томошабинлар билан тўлиши, телевидение орқали кузатаётган юртдошларимиз мисолида ҳам кўзга ташланади. Айниқса, терма жамоанинг саралаш ўйинларидаги иштироки вақтида жамиятимиз муҳити ўзгариб кетади: футбол барча учун асосий суҳбат мавзусига айланади.

Шу маънода жаҳон чемпионатида чиқиш масаласи йиллар давомида халқ орасида энг кўп муҳокама қилинган орзулардан бири бўлиб келган. Бир неча авлод вакиллари бир кун келиб Ўзбекистон ҳам жаҳон чемпионатида иштирок этади, деган умидни қалбларида сақлаб келишди. Миллий жамоа айрим пайтларда бу орзу ушалишига жуда яқин келган, баъзан имконият қўлдан чиқиб кетган. Аммо умид сўнмаган.

Осиё қитъасида рақобат йилдан-йилга кучайиб бораётган, футбол инфратузилмаси ва тайёргарлик тизими ривожланган мамлакатлар сони ортиб бораётган бир шароитда барқарор натижа кўрсатиш катта меҳнатни талаб қилди.

Шу нуқтаи назардан, 2026 йилги жаҳон чемпионатида чиқиш натижаси тасодифий эмас. Бу йиллар давомида йирилган тажриба, хатолардан олинган хулосалар ва тизимли ислохотлар самарасидир. Терма жамоа бу сафар нафақат техник ёки жисмоний жиҳатдан, балки психологик тайёргарлик нуқтаи назаридан ҳам баркамолликка эришганини намоён этди.

Сўнгги йилларда спорт соҳаси, хусусан, футболни ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани ҳам ушбу натижанинг муҳим омил бўлди. Бу эса соҳага ёндашувда янги босқич бошланганидан далолат беради. Қонунчилик базасининг такомиллаштирилиши, молиявий қўллаб-қувватлаш механизмларининг жорий этилиши, федерация ва клублар фаолиятида шаффофликка эътибор кучайтирилиши улкан натижани таъминлади.

Сўнгги йилларда янги стадионлар қурилди, мавжуд спорт иншоотлари реконструкция қилинди. Халқаро талабларга жавоб берадиган майдонлар нафақат пойтахтда, балки чекка ҳудудларда ҳам барпо этилди. Бу эса ёш футболчилар учун муносиб шарт-шароит яратиб, селекция ишларини кенгайтириш имконини берди.

Футбол соҳасида эришилган натижаларда ёшлар сиёсати алоҳида ўрин тутди. Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари фаолиятининг кучайтирилиши, футбол академияларининг ташкил қилиниши, ёш иқтидорларни эрта аниқлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш имконини бермоқда. Натижада, миллий терма жамоа таркибида турли ёш тоифаларида халқаро мусобақалар

Ўзбекистон миллий футбол терма жамоасининг 2026 йилги жаҳон чемпионатида чиқиши мамлакатимиз спорт тарихидаги муҳим воқеалардан бири бўлди. У халқ орзуси, давлат сиёсати ва спортчилар меҳнатининг уйғун натижаси сифатида халқимиз учун қадри. Жаҳон чемпионатидаги иштирок миллий спортимизни янада ривожлантириш учун мустақам пойдевор бўлишига ишонимиз.

Ўзбекистон миллий футбол терма жамоасининг 2026 йилги жаҳон чемпионатида чиқиши мамлакатимиз спорт тарихидаги муҳим воқеалардан бири бўлди. У халқ орзуси, давлат сиёсати ва спортчилар меҳнатининг уйғун натижаси сифатида халқимиз учун қадри. Жаҳон чемпионатидаги иштирок миллий спортимизни янада ривожлантириш учун мустақам пойдевор бўлишига ишонимиз.

Ўзбекистон миллий футбол терма жамоасининг 2026 йилги жаҳон чемпионатида чиқиши мамлакатимиз спорт тарихидаги муҳим воқеалардан бири бўлди. У халқ орзуси, давлат сиёсати ва спортчилар меҳнатининг уйғун натижаси сифатида халқимиз учун қадри. Жаҳон чемпионатидаги иштирок миллий спортимизни янада ривожлантириш учун мустақам пойдевор бўлишига ишонимиз.

тажрибасига эга бўлган футболчилар қатлами етишиб чиқди. Уларнинг аксарияти ёшлик пайтидан оқ аниқ режа асосида тайёрланган, жисмоний, техник ва тактик жиҳатдан пухта шаклланган спортчилардир.

Жаҳон чемпионатига йўл очган саралаш босқичида миллий терма жамоамизнинг ўйинлари барқарорлашгани кузатилди. Футболчиларнинг жисмоний ҳолати, ўйин давомидаги интизоми ва тактик топшириқларни аниқ бажариши муҳим ғалаба омил бўлди. Шу билан бирга, жамоавий ўйин маданияти ҳам юксак даражада намоён бўлди. Майдондаги ҳар бир футболчи нафақат ўз вазифасини, балки жамоа манфаатини ҳис қилган ҳолда ҳаракат қилди.

Мураббийлар штабида ҳам профессионал ёндашув устувор бўлиши керак. Жамоага замонавий футбол тенденцияларини чуқур англайдиган, рақибларни таҳлил қилишда илмий-амалий усулларга таянадиган мутахассислар жалб этилгани мавжуд бўшлиқни тўлдирди.

Яна бир жиҳат, футбол каби глобал спорт турларида натижага эришиш учун хорижий тажриба ҳам ҳисобга олиниши зарур. Футболчиларимизнинг халқаро клубларда тўп сураётгани, турли футбол мактаблари билан танишиб бориши уларнинг дунёқарашини кенгайтиради. Терма жамоада ушбу тажриба ягона мақсад йўлида жамланди.


Футбол ютуқлари жамият кайфиятига ҳам бевосита таъсир кўрсатади. Миллий терма жамоанинг жаҳон чемпионатида чиқиши юртдошларимиз қалбида кувонч ва фахр туйғуларини уйғотди. Бу ҳолат ижтимоий тармоқларда, оммавий ахборот воситаларида, кундалик суҳбатларда аяққол намоён бўлмоқда.

Шу билан бирга, ушбу ютуқ жамоа учун масъулиятни ҳам оширади. Футболчилардан янада юқори интизом, спорт ахлоқига риоя қилиш, ёшларга намуна бўлиш талаб этилади. Чунки улар энди нафақат спортчи, балки юртимиз рамзи сифатида ҳам қабул қилинади.

Шубҳасиз, 2026 йилги жаҳон чемпионати Ўзбекистон футбол учун янги босқич ҳисобланади. Бу мусобақада иштирок этиш орқали мамлакатимиз халқаро майдонда янада кенгроқ танилади. Футболчилар учун эса дунёнинг энг кучли жамоалари билан рақобат қилиш имконияти пайдо бўлади.

Бу жараён нафақат спортчилар, балки мураббийлар, мутахассислар ва бутун футбол жамоатчилиги учун катта тажриба мактаби бўлади. Шу маънода жаҳон чемпионатидаги иштирокни узоқ муддатли ривожланишнинг муҳим бўғини сифатида баҳолаш керак.

Шу жиҳатдан бугунги натижа келажак учун ҳам ишонч бағишлайди. Футбол соҳасида олиб борилаётган ислохотлар давом этар экан, янги авлод спортчилари учун янада кенг имкониятлар яратилади.



Биласизми?

# 60 йилда Бир маротаба Келадиган Йил

Янги — 2026 йил шарқий тақвим бўйича Қизил олов От йилидир. Шарқий фалсафага кўра, ҳаёт суръати тезлашадиган, шахсий ва ижтимоий қарорлар қатъият билан қабул қилинадиган, инсон ўзини ва йўлини қайта кашф этадиган мазкур От йили азалдан эркинлик, мустақиллик, ҳалоллик ва олдинга интилиш тимсоли сифатида талқин қилинади. Олов унсури эса ушбу хусусиятларга янада кучли руҳий ва амалий энергия қўшиб, йилга ҳиссиёт, жонланиш ва трансформация руҳини олиб кирар экан.

Тахминларга кўра, Қизил олов От йили осон кечиши кутилмапти. Бироқ айнан шу қийинчиликлар орқали янги имкониятлар очилиб, ҳаётда муҳим бурлишлар юз бериши айтамоқда.

Яъни, олдимиздаги йил кўпалаб яхши воқеаларга бой, қарорлар тез қабул қилинадиган, сустрасаларга ўрин қоқмайдиган давр сифатида қарши олинмоқда. Бу инсонни фаол бўлиш, ўз позициясини аниқ белгилаш ва масъулиятни ўз зиммасига олишга чорлайди. Айни ўринда Шарқий янги йил Европа тақвимида мос келмаслигини алоҳида таъкидлаш лозим. Қизил олов От йили 2026 йил 17 февралдан бошланиб, 2027 йилнинг 5 февралгача давом этади. Шу сабабли агар кимдир 2026 йилнинг январь ойида ёки февралнинг биринчи ярмида туғилган бўлса, у ҳали ҳам олдинги йил — Илон буржи таъсирида бўлади. Ушбу ҳолат хулосалар қилишда шовишмаслик, ҳар бир шарқий йилнинг аниқ чегара ва хусусиятларини инобатга олиш муҳимлигини кўрсатади. Ушбу йил комбинацияси ҳар 60 йилда бир маротаба такрорланади.

Сўнгги бундай йил 1966 йилга тўғри келган бўлиб, у жамиятда кескин ўзгаришлар, кучли ижтимоий ҳаракатлар, ўз қондалари билан яшаш истигаи ва шахсий овозни қатъий билдириш даври сифатида эса қолган. Тарих шунини кўрсатадики, бундай йиллар ҳаракат қиладиган, ўз позициясини ҳимоя эта оладиган инсонлар учун катта имкониятлар эшигини очади, олов От амбицияларни кучайтиради, ҳис-туйғуларни ошқорла кўрсатади ва эркинликка интилишни янада мустақамлайди. Энг муҳими, инсондан, аввало, ўзига нисбатан ҳалол бўлишни талаб қиладди. Ўзини алдаш, ортқича сабр ёки қарорсизлик бу йилнинг руҳига мутлақо мос келмайди. Шу билан бирга, 2026 йилни мутлақо идеал давр сифатида қабул қилиш ҳам тўғри бўлмайди.

Юқори энергия ортқича куч сарфлаш, ҳиссий чарқоқ ва ички мувозанатнинг бузилишига олиб келиши мумкин. Шу боис, бу йил инсондан ўз вақтида тўхтаб билишни, ўзини эшитишни ва ички ҳолатига эътибор қаратишни қадрлайди. Ҳаракат билан танаффус, жасорат билан мулоҳаза ўртасидаги мувозанат энг тўғри йўл бўлади. Бу йил кутиш ва мurosалар билан эмас, балки танлов ва ҳаракат билан боғлиқ бўлади. От қарор қила оламаслиқни, пассивликни ва ўзини оқлашни ёқтирмайди. У фақат тайёр бўлганларни, масъулиятни ўз зиммасига олишдан кўрқмайдиганларни ва ўз йўлидан боришга журъат этадиганларни қўллаб-қувватлайди.

Қизил олов От йили ҳаёт суръатининг тезлашиши ва воқеаларнинг кўпчилиги, шахсий мақсадларга аниқ эътибор қаратиш ва энергияни тўғри тақсимлаш, жамоат ва ижтимоий соҳада ўзини намоён этиш учун янги майдонлар очилиши, янги даврга эски, кераксиз одат ва юклар билан кирмаслик, ички тинчлик ва маънавий қўлайликка эътибор қаратишда алоҳида фаолият олиб келиши мумкин. Бу йил дунёга келган фарзандлар одада эрта мустақилликка интилади, энергияга тўла бўлади ва адолатсизликни жуда кескин ҳис қиладди. Улар эркинликни севувчи, очик фикрли ва табиий ҳаризмага эга шахслар сифатида шаклланади. Бундай болаларни тарбиялашда уларни қўллаб-қувватлаш, бир вақтнинг ўзида шахсий интилишларини ҳурмат қилиш муҳим аҳамият касб этади. Ана шунда улар ўз кучига ишонган, жасур ва жамиятда ўз ўрнига эга бўлган шахслар бўлиб воға етади.

Интернет маълумотлари асосида  
Илҳомжон АБДУСАЛОМОВ тайёрлади

<b>GROUP A</b> MEXICO SOUTH AFRICA KOREA REPUBLIC FIFA WINNER PLAY-OFF A	<b>GROUP B</b> CANADA FIFA WINNER PLAY-OFF A QATAR SWITZERLAND	<b>GROUP C</b> BRAZIL MOROCCO HAITI SCOTLAND	<b>GROUP D</b> USA PARAGUAY AUSTRALIA FIFA WINNER PLAY-OFF C
<b>GROUP E</b> GERMANY CURAÇAO CÔTE D'IVOIRE ECUADOR	<b>GROUP F</b> NETHERLANDS JAPAN FIFA WINNER PLAY-OFF B TUNISIA	<b>GROUP G</b> BELGIUM EGYPT IR IRAN NEW ZEALAND	<b>GROUP H</b> SPAIN CABO VERDE SAUDI ARABIA URUGUAY
<b>GROUP I</b> FRANCE SENEGAL FIFA WINNER PLAY-OFF 2 NORWAY	<b>GROUP J</b> ARGENTINA ALGERIA AUSTRIA JORDAN	<b>GROUP K</b> PORTUGAL FIFA WINNER PLAY-OFF 1 UZBEKISTAN COLOMBIA	<b>GROUP L</b> ENGLAND CROATIA GHANA PANAMA

**ADOLAT**  
Муассис: "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислом ХАМРОЕВ

Таҳрир хайъати:

Робохон МАХМУДОВА	Озода ПАРШИБОВЕВА
Баҳром АБДУҲАЛИМОВ	Қодир ЖўРАЕВ
Наримон УМАРОВ	Тошпўлат МАТИБАЕВ
Мухаммад АЛИ	Талъат МУРОДОВ
Гавҳар АЛИМОВА	Абдуқамол РАХМОНОВ
Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА	Собир ТУРСУНОВ

QR коди орқали газетанинг электрон вариантини юклаб олинг!

Котибият — 71 288-42-14 (144); 95 096-07-75  
Қабулхона — 71 288-42-12 (141)

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Навбатчи муҳаррир — Абдуқамол Йўлдошев  
Масъул котиб — Абдуғани Содиков

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 10-3656 рақами билан 2016 йил 04 апрелда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2.  
Ҳажми — 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 1201

Адади — 2 143  
Босишга тошириш вақти — 21.00  
Босишга тоширилди — 22.50

Баҳоси келишилган нархда

Таҳририятга келган қўлэмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.  
Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.